

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:
№ БД – 5120100 – 3.03
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА СТИЛИСТИКА
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100	- Филология ва тилларни ўқитиш (испан тили)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Олтиев Т. -ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н.

Абдуллаев К. -ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

Тошхонов М.Т. - ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси п.ф.н.;

Ўрмонова Н.М. -ТАҚИ, “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси мудири, ф.ф.н., доценти (*турдош ОТМ*);

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Ушбу дастурда “Лексикология ва стилистика” фанининг мазмуни, предмети ва методи, аудит моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875 қарори чет тиллар таълими соҳасида туб ўзгаришларни амалга ошириш учун асос бўлади. Республикамизда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда, дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун хорижий тилни мукамал билишни тақозо этади. Бу эса Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш билан таъминланади. Бу таълим стандартлари “Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” даражаларига асосланади.

Лексикология ва стилистика фанининг ушбу ўқув дастури чет тилларни ўқитишга қўйилган Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларни тил луғат бойлиги тўғрисидаги асосий тушунчалар, чет тилини ўрганишда лексик бирликларнинг аҳамияти ва уларнинг бошқа тил қатламлари тизимида тутган ўрни билан таништириш, уларга тил луғат бойлигининг асосий қонуниятларини, шунингдек талабаларни тил тўғрисидаги асосий назарий тушунчалар, чет тилини ўрганишнинг услуб ва ёндашувлари, тилнинг илмий билимлар тизимида тутган ўрни билан таништириш, уларга тил сатҳларининг асосий қонуниятларини ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – тил ва нутқнинг асосий таркибий материали сифатида сўз ва унинг моҳиятини ўрганиш, сўзнинг лексик маънолари ва уларнинг турларини таҳлил қилиш, сўзларнинг келиб чиқиши тарихи (этимологияси) ва уларнинг нутқда хилма-хил қўлланилишининг ўзига хосликларини тадқиқ қилишдан иборатдир, шунингдек, талабаларга табиий тил моҳиятига оид билимларни эгаллашга имконият яратиш, уларда тилнинг ички тузилмаси, унинг сатҳлари ва бирликларини илмий асосда тадқиқ этиш кўникмаларини шакллантириш тўғрисида тушунчаларга эга бўлишларини таъминлашдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Лексикология ва стилистика фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- янги сўз ва иборалар пайдо бўлиши;
- айрим лексик бирликлар муомаладан чиқади, баъзи сўзлар ва ибораларнинг маъноларнинг ўзгариши;
- сўзларни ўзбек тилидаги муқобиллари билан солиштириш;
- луғат таркиби ривожланишининг асосий қонун-қоидалари ва йўллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- сўзларнинг хусусиятларини аниқлашда ҳозирги замон
- тилшунослигида кенг қўлланилаётган трансформацион, компонентли таҳлил, бевосита иштирокчиларга ажратиш;
- дистрибутив ва бошқа усуллардан фойдаланган ҳолда ёритиш;
- сўз ҳақида таълимот, луғат таркиби ривожланишининг асосий қонун-қоидалари ва йўллари **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- тематик, лексик ва семантик гуруҳлар, семасиология, сўзнинг морфологик тузилиши;
- сўз ва сўзнинг муқобили, фразеология, этимология, лексикографияси сўзнинг лексик ва грамматик маънолари, сўз функциялари;
- сўзнинг лексик маъно турлари;
- сўзнинг асосий ва кўчма маънолари, бош ва иккинчи даражали маъноларини;
- мустақил ва ёрдамчи сўзлар, сўзларнинг ўхшашлик ва алоҳидалик масаласи ва сўз ва морфема ўртасидаги фарқларни ажратиш **кўникмаларига эга бўлиши керак;**
- янги сўзлар яшаш йўллари, сўз ҳосил қилишнинг синтактик-морфологик усуллари, бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар, испан тили луғат таркиби тавсифи;
- сўзларнинг лексик-семантик қатламларини;
- турли мулоқот турлари, жумладан, анъанавий, бадиий ва илмий мулоқотни ўрганиш билан бир қаторда бизнес, маркетинг, менежмент соҳаларида ҳам мулоқот малакаларини;
- тафаккур ва ҳиссиётни нозик сезиш, умумий ғоя ва таъсирчанликни кучайтириш;
- эстетик дид, бадиий адабиётни ўрганишни юксак маданиятини яратишни;
- ўз фикр-мулоҳаза ва хулосаларни асосли тарзда аниқ баён эта олиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Лексикология ва стилистика фани умумқасбий фан ҳисобланади. Талабалар испан тили юзасидан умумий лингвистик маълумотларга эга бўлганларидан кейин тилнинг имкониятларини янада кенгроқ ўрганиш мақсадида бошқа назарий курслар қаторида лексикология ва стилистика фанини ўрганадилар. Мазкур назарий курслар тилнинг асосий қурилмаси ҳисобланмиш сўз воситасида назарий ва амалий фонетика, грамматика ва

қиёсий типология, ўрганилаётган тил филологиясига кириш, чет тили тарихи каби бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади ва талабаларнинг тил соҳасидаги билимларининг мукамаллигини ушбу фанлар билан узвийликда таъминлаб беради. Мазкур фан бошқа назарий ва амалий фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилиб, талабаларнинг луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишларига, ҳозирги замон испан тилининг ўзига хос хусусиятларини ўргатишга қаратилган ва у асосий ўрганилаётган тил, шунингдек ижтимоий-иқтисодий фанлар – тарих, фалсафа, педагогика ва психология, социология каби фанлар билан узвий боғлиқ.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Лексикология ва стилистика фани илмий-тадқиқот, педагогик жараёни билан бевосита боғлиқ. Филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғини сифатида лексикология ва стилистика фани бўйича талабалар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар уларнинг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатишларида, шунингдек испан тилини амалий қўллашда ёрдам беради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Мазкур курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда ишланмалар, таркатма ва электрон материаллардан фойдаланилади. Мазкур фан машғулотида аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида тақдиротлар ўтказиш, коммуникатив методнинг тармоқлари бўлган – лойиҳалаш, масофавий таълим, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, думалоқ стол, кейс стади усулларида фойдаланиш, кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликларини қўллаш назарда тутилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

“Лексикология ва стилистика” фанининг мазмуни, предмети ва методи

Фаннинг мазмуни. Сўз - тил луғат таркибининг асосий бирлиги. Сўзнинг морфема, сўз шакли, сўз бирикмасидан фарқловчи хусусиятлари. Мотивация тушунчаси. Идиоматик, мотивация турлари - фонетик, семантик, маъно ва сўз маъносининг тузилиши. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли.

Лексикология ва стилистиканинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари

Контекст турлари, содда, ясама ва қўшма сўзларнинг ўзига хос маънолари. Сўзнинг маъносини чегаралаш ва маъно қисмларини аниқлаш усуллари. Фразеологик бирикмалар маъноларининг хусусиятлари. Маъно турлари таснифи ва сўзнинг лексик-семантик вариантлари. Маъно тузилишига кўра синхрон ва диахроник қараш ва унинг ривожланиш қонуниятлари. Семантик майдон. Моносема, полисемия, гипергипонимия муаммолари. Мулоқотнинг коммуникатив соҳаларида тилнинг услубий имкониятлари. Турли матнларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш - бунга бадиий матннинг ўзига хослиги, унинг категориялари ва ранг-баранглиги.

Сўзнинг морфологик тузилиши

Бир морфемали ва кўп морфемали сўзлар. Морфеманинг лексик бирлик эканлиги. Морфемалар типлари ва синфлари. Сўз негизи ва унинг турлари. Ҳозирги замон испан тилида сўз тузилишининг типлари. Сўз тузилишидаги диахроник ва синхроник қараш. Морфемалар яшаш. Морфема ва алломорфемалар. Сўз тузилишини морфемик таҳлил қилиш асослари ва уларнинг сўз яшаш таҳлилидан фарқи.

Сўз яшаш

Сўз яшашнинг ҳар хил усуллари. Сўзнинг ўзак тузилишининг асосий қисмлари. Сўз яшаш негизи. Ўзакнинг тузилиши ва семантикаси. Кенг ва кам тарқалган йўллар билан сўз яшаш. Лексик ном беришда сўз яшашнинг роли ва ўрни. Сўз яшаш қаторлари занжири. Сўз яшашнинг кенг тарқалган усуллари. Олд қўшимчалари ва уларнинг турлари. Ҳар хил мезонларга асосланиб олд қўшимчаларни тасниф этиш, ўзак олд қўшимчаларининг семантикаси. Ярим олд қўшимчалари ёрдамида сўз яшаш. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари. Сўз ясашиш йўлини аниқлашда конверсиядаги семантик алоқалар асосий мезон эканлиги, конверсиянинг кенг тарқалганлигини белгиловчи асосий омиллар. Конверсия ва уни таржима қилиш муаммолари.

Қўшма сўзлар сўз яшашнинг кенг тарқалган йўллари билан бири эканлиги. Анъанавий ва замонавий тилшуносликда қўшма сўзларни тасниф қилиш асослари. Қўшма сўз яшашнинг ҳар хил турлари уларнинг кенг тарқалганлиги. Қўшма сўзларни она тилига таржима қилиш йўллари.

Кенг тарқалган ва кам тарқалган йўллар билан сўз яшаш. Қисқартма сўзлар (аббревиация). Қисқартма сўзларнинг турлари. Қисқартма сўзлар (клиппинглар), қисқартма сўзларнинг испан тилининг америка вариантыда кенг тарқалган. Қисқартма сўзларнинг турлари. Қисқартирилган сўзларни таржима қилиш қийинчиликлари.

Сўз яшашнинг бошқа усуллари: сўз яшаш, кенгайиш, товуш ва урғу кўчиши, товушга таклид қилиш ва редупликация, грамматик шаклларнинг лексиказациялашуви ва сўз яшашнинг ҳар хил турлари бирикмаси.

Фразеология

Фразеологиянинг мақсади ва вазифалари. Турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси, уларни фарқловчи белгилар.

Лексик бирикиш. Турғун бирикмалар ва уларнинг ҳар хил мезонларга асосан таснифи. Сўз, сўз бирикмасининг ўхшашлиги ва фарқи. Фразеологик бирикмалар ва уларни таржима қилиш муаммолари.

Испан тили луғат таркибининг умумий таснифи

Тил луғат таркибининг ўзгариши социолингвистик воқеа эканлиги. Луғат таркибининг сифат ва сон жиҳатдан ўзгариши. Луғат таркибининг лексик ва стилистик таснифи. Сўзларни ишлатилиши жиҳатдан тасниф этиш. Умумий истеъмолги ва махсус лексика. Архаизмлар, неологизмлар, Испания ва испан тилида сўзлашадиган мамлакатлардаги испан тилининг лексик хусусиятлари, уларнинг тарихий боғлиқлиги ва ўзаро таъсири. Асосий ва ёрдамчи сўз туркумларининг сон жиҳатидан ўзаро фарқи. Лексик номлашнинг фаоллиги ва луғат таркибининг бойиши йўллари, сўз яшаш, сўз маъно тузилишининг ривож, бошқа тиллардан кирган сўзлар қатлами, фразеологизмлар яратиш.

Этимология

Тил луғат таркибининг этимологик жиҳатдан таснифи. Испан тилида пайдо бўлган сўзлар ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар. Хорижий тиллардан кириб келган сўзларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляцияси. Хорижий тиллардан кириб келган сўзларнинг луғат таркибига ва сўз яшаш тизимига таъсири. Байналминал сўзлар. Этимологик луғатлар.

Лексикография

Лексикографиянинг фан сифатида ривожланиши. Луғатларнинг асосий турлари: энциклопедик, лингвистик, изоҳли луғатлар. Луғат турлари муаммоси ва уларнинг яратиш услублари, сўз танлаш, луғат мақолаларининг тузилиши ва бошқалар. Испан луғатларининг асосий турлари: изоҳли, синонимлар, фразеологик бирикмалар, этимологик, идеографик, махсус луғатлар, неологизмлар луғатлари ва бошқалар. Ўқув луғатларининг тузилиши (сўзларнинг бирикиши ҳақидаги луғатлар, кўп кўлланиладиган сўзлар луғати). Турли луғатларда сўз маъноларини очиб

бериш йўллари. Таржима жараёнида луғат билан ишлаш, сўзнинг изоҳли таҳлилини ўрганиш, бошқа луғат изоҳлари билан қиёслаш.

Қиёсий стилистика

Умумий стилистика ва айрим тиллар учун махсус бўлган услубий ходисалараро нисбат. Услубий имкониятларнинг миллий-маданий ўзига хослиги: испан ва ўзбек; испан ва рус тиллари.

Коммуникатив стилистика

Мулоқот турли соҳаларининг услубий ва прагматик ўзига хосликлари (бадий, илмий, расмий иш ва оммавий).

Испан тилининг услубий воситалари

Испан тили лексикасини услубий фарқлаш; фонографик ва морфологик даражанинг услубий имконияти; сўз яшаш; стилистик усуллар: лексик метафора, метонимия, ирония, антономасия ва бошқалар, синтактик: инверсия, кучайтириш, такрор, риторик савол ва бошқалар; коммуникатив-услубий таҳлил муаммолари.

Сўзлашувнинг ҳар хил матн материаллари асосида стилистик таҳлил намуна ва кўрсатмалари.

Матн таҳлили ва тилшуносликнинг прагматика билан ўзаро алоқаси. Матн таҳлилининг асосий тушунчаси, вазифалари, усуллари ва мақсади.

Бадий асар матн таҳлилининг объекти сифатида бадий матннинг ўзига хосликлари: кўрсатиш, бадий қисмлар, матн баёни.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

- испан тили луғат таркибининг умумий таснифи;
- семасиология
- сўзнинг морфологик қурилиши
- сўз яшаш
- фразеология
- этимология
- лексикография
- сўз яшаш усуллар
- луғат яратиш услублар
- сўз маъносининг тузилиш услублар
- турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш услублар
- ўзлаштириш ва ассимиляция услублар
- стилистиканинг экспрессив воситалари; тил материалларини стилистик усуллар орқали тиклаш;

- стилистиканинг тилшунослик ва адабиётшунослик билан чамбарчас боғлиги;
- стилистика ва матн таҳлили фани муаммолари;
- лексик-фразеологик бирикмаларни ифодалаш воситалари ва стилистик усуллар;
- фонетик ифодалаш воситалари ва стилистик усуллар;
- стилистика ва матн таҳлили.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув кўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усуллари кўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Сўз - тил луғат таркибининг асосий бирлиги;
2. Сўзнинг морфема, сўз шакли, сўз бирикмасидан фарқловчи хусусиятлари;
3. Мотивация тушунчаси. Идиоматик, мотивация турлари - фонетик, семантик, маъно ва сўз маъносининг тузилиши;
4. Испан, она тили ва бошқа ўрганилаётган тиллардаги ўзаро муқобил сўзларнинг семантик тузилиши ;
5. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли;
6. Контекст турлари, содда, ясама ва кўшма сўзларнинг ўзига хос маънолари;
7. Сўзнинг маъносини чегаралаш ва маъно қисмларини аниқлаш усуллари;
8. Фразеологик бирикмалар маъноларининг хусусиятлари;
9. Маъно турлари таснифи ва сўзнинг лексик-семантик вариантлари;
10. Маъно тузилишига кўра синхрон ва диахроник қараш ва унинг ривожланиш қонуниятлари;
11. Луғат бирлигини семантик гуруҳларга ажратиш;
12. Семантик майдон;
13. Моносема, полисемия, гипергипонимия муаммолари;
14. Синоним, антоним ва омонимлар муаммолари, ва уларнинг манбалари, таснифи, тилнинг бойиши ва ривожланишидаги роли;
15. Бир морфемали ва кўп морфемали сўзлар;
16. Морфеманинг лексик бирлик эканлиги;
17. Морфемалар типлари ва синфлари;
18. Сўз негизи ва унинг турлари;
19. Ҳозирги замон испан тилида сўз тузилишининг типлари;
20. Сўз тузилишидаги диахроник ва синхроник қараш;
21. Морфемалар яшаш. Морфема ва алломорфемалар;
22. Сўз тузилишини морфемик таҳлил қилиш асослари ва уларнинг сўз яшаш таҳлилидан фарқи;
23. Сўз яшашнинг ҳар хил усуллари;
24. Сўзнинг ўзак тузилишининг асосий қисмлари. Сўз яшаш негизи;
25. Ўзакнинг тузилиши ва семантикаси.

Дастурнинг информаион – услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- лексикология ва стилистика фани ва унинг бўлимига тегишли
- маъруза дарсларида модуль тизимига асосланган электрон мажмуадан;
- таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларида, педагогик ва ахборот – коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мултимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Гитлиц А.М. Лексикология испанского языка. Л. 1999.
2. Курчаткина Н.Н., Супрун А.И. Фразеология испанского языка. М. 1986.
3. Guitlitz A. Curso de lexicología de la lengua española», М. 1994
4. Casares J. Introduccion a la lexicología moderna. Madrid, 2004
5. Гончаренко С.Ф. Учебное пособие по стилистике испанской стихотворной речи. М. 1983.

Қўшимча адабиётлар:

1. Виноградов В.С. Лексикология испанского языка. М. 2003.
2. Курчаткина Н.Н. Текст лекций по курсу Лексикология современного испанского языка. М. 1991.
3. Kurchatkina N.N. Novo-Gonzales Lexicología práctica de la lengua española, Moscú, 1987
4. Фирсова Н.М. Грамматическая стилистика современного испанского языка. М. 1984.
5. Азнаурова Э.С. Очерки по стилистике слова. Т. 1973.
6. Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. Т. 1991.
7. Ногеира Х. Учебное пособие по стилистике испанского языка. М. 1970.

Интернет сайтлари:

1. <http://es.altavista.com>
2. <http://www.lycos.es>
3. <http://www.sobre.españa.ru>
4. <http://www.catalunyaonline.com>
5. <http://www.rae.es>.

